

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси энди Мисрдаги ватандош хотин-қизлар муаммоларини мунтазам ўрганиб боради



12:15 / 12.05.2023 1770

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси мутасаддилари Мисрда таҳсил олаётган ватандош хотин-қизлар билан учрашув ўтказди.

Қўмита раиси О.Парпиева раҳбарлигидаги масъуллар Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонаси билан ҳамкорликда Қоҳира шаҳрида истиқомат қилаётган ва таҳсил олаётган 30 нафардан ортиқ ўзбекистонлик хотин-қизлар билан «Муслимат» ўқув марказида сайёр қабул ташкил этди.

Қабул жараёнида бу ерда таҳсил олаётганлар дуч келаётган айрим

масалаларни ечишда, фарзандлари учун туғилганлик гувоҳномаларини расмийлаштиришда юзага келаётган муаммоларни бартараф этишда элчихона орқали амалий ёрдам кўрсатилди.

Мулоқот давомида Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси томонидан ватандошларимизнинг муаммоларини мунтазам ўрганиб бориш, уларга таҳсил олишларида ҳамда оила аъзоларига амалий ёрдам кўрсатиш масалаларида келишиб олинди.

Манба: @uzauz телеграм канали